

А.Б. Акпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова

МАТЕМАТИКА

Умумтаълим мактабларининг
2-синфи учун дарслик

1-қисм













Алматы
“Алматыкітап” – “Жазушы”
2017

УДК 373.167.1
ББК 22.1 Я 72
А 33

Қозғоғистон Республикаси
Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган

Ўзбек тилидаги нашрга “Жазушы” нашриёти тайёрлаган

Шартли белгилар

- | | |
|--|---|
|  – дарснинг мақсади | * – таққосланг $>$, $<$, $=$, \neq |
|  – муҳокама қилинг,
ўз фикрингизни билдиринг |  – сен тадқиқотчи |
|  – ёдда тутинг |  – гуруҳда ишлаш |
|  – дафтар билан ишлаш |  – жуфтликда ишлаш |
|  – масалани турли усул билан
ечинг |  – амалий иш |
|  – ким чаққон? |  – рационал ҳисобланг |
|  – тушириб қолдирилган сон,
белги | |

Акпаева А.Б. в.б.

А 33 Математика. Умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик:
4-қисмли. 1-қисм / А.Б. Акпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова. –
Алматы: “Алматыкітап” – “Жазушы”, 2017. – 76 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-583-7

УДК 373.167.1
ББК 22.1 Я 72

ISBN 978-601-200-583-7

© Акпаева А.Б., Лебедева Л.А.,
Минжасарова М.Ж., текст, 2017
© “Алматыкітап», 2017
Ўзбек тилине “Жазушы” баспасында аударылды, 2017

АЗИЗ ДЎСТИМ!

Сиз билан яна учрашиб турганимиздан ғоят хурсандимиз. Сиз анча улғайдингиз.

Қўлингиздаги китоб 1-синф математика курсининг давоми бўлиб ҳисобланади. Мазкур йилда сиз 100 ва 1000 ичидаги сонларни санашни ўрганасиз, кўпайтириш ва бўлиш амаллари билан танишасиз. Энди сиз дўкондан ўзингиз харид қила оласиз, соатга қараб вақтни аниқлайсиз, нарсаларнинг узунлигини ва массасини ўлчайсиз. Мактабга етиб боришингиз учун қанча вақт керак эканлигини, массанинг ўлчов birlikларини билиб оласиз. Ушбу дарсликдан қизиқарли масалаларни топасиз, улар сизнинг зеҳн ва тафаккурингизни ривожлантиради. Дўстларингиз билан тўғри ва тез ҳисоблаш бўйича беллаша оласиз, тенгламалар ва масалалар ечишни, ифодалар тузишни ўрганасиз. Геометрик фигураларнинг хоссаларини билиб оласиз ва уларни яшашни ўрганасиз.

Биз, дарслик муаллифлари, сизга билим чўққиларини эгаллашда омад ва зафарлар тилаймиз ва шунингдек, математика фанига меҳр қўйиб, олган билимларингизни кундалик ҳаётда қўллай олишингизни истаб қоламиз.



1-А БЎЛИМ. ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАР

0 дан 10 гача бўлган сонлар.
11 дан 20 гача бўлган сонлар.
Тўла ўнликлар. 100

Мен оромгоҳда қандай дам олдим



Мен сонлар ҳақида билганларимни такрорлайман.



1. Таътилда Оқила ва Сардор оромгоҳда дам олишди. Расмни кўриб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

а) Ўйин учун болалар икки гуруҳга бўлинишди. Биринчи команда иштирокчилари кийимида бундай тартиб рақамлари ёзилган: 12, 14, 16, 18, 20. Қандай қонуниятни пайқадингиз? Агар иккинчи команда иштирокчиларининг тартиб рақамлари 11 ва 20 сонлари орасида жойлашган бўлса, шу рақамларни айтиб беринг.

Икки хонали сонлар ўнликлар ва бирликлар хонасидан ташкил топган. Ушбу сонлардаги ўнликлар ва бирликлар сонини айтинг.



Рақамларни тўғри ва тескари тартибда айтинг.



б) Болалар оромгоҳда 1 июндан 20 июнгача дам олишди. Улар қуёшли ва булутли кунларни белгилаб боришди. Қуёшли кунларни сонларнинг ўсиб бориш тартибида, булутли кунларни камайиб бориш тартибида айтинг.


1		2		3		4		5	
6		7		8		9		10	
11		12		13		14		15	
16		17		18		19		20	

в) Оромгоҳда тўғарак ишларининг бошланиш вақтини аниқланг.



2. Масалани ечинг.

Спорт мусобақаларида 20 та ўғил бола ва 30 та қиз бола иштирок этди. Мусобақаларда ҳаммаси бўлиб қанча бола иштирок этган?



3. Ҳисобланг.

$60 + 40$

$80 - 20$

$1 + 3$

$6 - 6$

$40 + 10$

$70 + 20$

$50 + 30$

$10 - 7$

$4 + 5$

$10 + 80$

$100 - 60$

$90 - 60$

$10 - 8$

$9 - 7$

$10 - 3$



4. Таққосланг.

$18 * 16$

$1 \text{ ўнл.} 5 \text{ бирл.} * 2 \text{ ўнл.}$

$12 \text{ см} * 1 \text{ дм} 3 \text{ см}$

$20 * 17$

$1 \text{ ўнл.} 4 \text{ бирл.} * 16 \text{ бирл.}$

$2 \text{ дм} * 19 \text{ см}$

$11 * 16$

$18 \text{ бирл.} * 1 \text{ ўнл.} 8 \text{ бирл.}$

$20 \text{ см} * 1 \text{ дм}$

21 дан 100 гача бўлган сонлар


Менинг мактабим




Мен 21 дан 100 гача бўлган сонларни ўқишни, ёзишни ва таққослашни ўрганаман.



1. Икки қаватли мактаб биносида 30 та ўқув хонаси бор. Улардан 10 таси биринчи қаватда жойлашган. Иккинчи қаватда нечта хона бор?




2. Ўнликлар билан тўғри ва тескари тартибда сананг.



3. Сонлар моделини кўриб чиқинг. Сиз энди 20 гача бўлган икки хонали сонларни ва тўла ўнликларни биласиз. Энди қолган икки хонали сонлар билан танишинг.

Соннинг номи	Соннинг ёзилиши		Соннинг модели
	Ўнликлар	Бирликлар	
Йигирма уч	2	3	
Йигирма беш	2	5	
Қирқ уч	4	3	

4. 10, 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90 сонларига “қўшни” сонларни айтинг.



5. 3 та фишка олинг ва улар ёрдамида жадвалдаги сонларни яширинг.



1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
31	32	33	34	35	36	37	38	39	40
41	42	43	44	45	46	47	48	49	50
51	52	53	54	55	56	57	58	59	60
61	62	63	64	65	66	67	68	69	70
71	72	73	74	75	76	77	78	79	80
81	82	83	84	85	86	87	88	89	90
91	92	93	94	95	96	97	98	99	100

Дўстингиздан яширинган сонларни айтиб беришини сўранг.



6. Масалани ечинг.

а) Мактабда 50 та биринчи синф ўқувчилари бўлиб, иккинчи синф ўқувчилари улардан 20 та кам. Мактабдаги иккинчи синф ўқувчилари қанча?

б) Берилган масалага тесқари масала тузинг ва уни ечинг.

қанча ортиқ, кам?

Икки хонали сонларнинг ўнли таркиби

Менинг синфдаги дўстларим



Мен сонлар моделини қуришни ўрганаман.



1. Саноқ таёқчаларини олинг.

Уларни қандай тез санаш мумкин? Саноқ таёқчаларини 10 тадан боғланг. Нечта алоҳида таёқчалар ортиб қолди? Гуруҳингизда ҳаммаси бўлиб қанча таёқча бўлди?



Жадвалда тасвирланган сонларни айтинг.

Ўнликлар	Бирликлар

Бир хонали сонлар

6 3 0 4

Икки хонали сонлар

1 7 1 8 2 0

2. Сонларни ёзинг:

7 ўнл. 6 бирл.

4 ўнл. 7 бирл.

9 ўнл. 3 бирл.

8 ўнл. 1 бирл.

5 ўнл. 5 бирл.

9 ўнл. 0 бирл.

10 ўнл. 0 бирл.

8 ўнл. 2 бирл.

7 ўнл. 7 бирл.

3. Бир хонали сонларни бир қаторга, икки хонали сонларни бошқа қаторга ёзинг:

15 51 7 70 2 13 1 9 10 99



4. Сонларнинг ҳар хил моделини кўриб чиқинг. Сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси билан алмаштиринг.

Соннинг номи	57	36	28
Соннинг модели			
Хона қўшилувчиларининг йиғиндиси	$57 = \square\square + \square$	$36 = \square\square + \square$	$28 = \square\square + \square$

$99 = \square\square + \square$

$42 = \square\square + \square$

$35 = \square\square + \square$

$51 = \square\square + \square$

$87 = \square\square + \square$


$74 = \square\square + \square$

Сонлар моделини ясашда сиз қайси воситалардан фойдаландингиз?

1. Масаланинг қисқа ёзуви ва чизмасини кўриб чиқинг. Масалани ечинг.

Кутубхонага синфимиздан биринчи куни 6 та ўқувчи, иккинчи куни 9 та ўқувчи, учинчи куни эса биринчи ва иккинчи кунлари қанча бўлса, шунча ўқувчи ташриф буюрди. Кутубхонага учинчи куни қанча ўқувчи ташриф буюрган?

1-кун – 6 та ў.
2-кун – 9 та ў. } 3-кун – ? ў.



6. Ҳисобланг.

$12 - 10$

$10 + 7$

$14 - 4$

$17 - 7 - 3$

$12 + 3 + 1$

$9 + 1 + 5$

$10 + 40 + 20$

$90 - 40 + 10$

$100 - 50 - 30$

Икки хонали сонларнинг хона таркиби

Менинг дўстим





Мен хона қўшилувчилари йиғиндисини тузишни ўрганаман.



1. Икки хонали сонлар қандай ҳосил бўлди?
Қуйида берилган ёзувлар нимани англатади?

**Икки хонали
сонлар**

Икки хонали сонлар ўнликлар ва birlikлардан ташкил топган. Берилган сонлардаги ўнликлар ва birlikлар сонини айтинг.



Икки хонали сонни хона қўшилувчиларининг йиғиндисини кўришида ёзиш мумкин. Бунинг учун ўнликлар ва birlikлар йиғиндисини ёзиш лозим.



Қандай мулоҳаза юритиш лозимлигини кўриб чиқинг.

20 ва 3 – бу 23 сони, $20 + 3 = 23$

$23 - 3 = 20$; $23 - 20 = 3$.

$$60 + 7 = \square$$

$$50 + 4 = \square$$

$$30 + 6 = \square$$

$$67 - 7 = \square$$

...

...

$$67 - 60 = \square$$

...

...

2. а) 28, 39, 54 сонларини ўнликлар ва birlikларга ажратинг.
б) Ҳисобланг.

$$20 + (3 + 5)$$

$$30 + (2 + 7)$$

$$50 + (2 + 7)$$

$$80 + (3 - 2)$$

$$30 + (7 - 2)$$

$$50 + (6 - 4)$$

$$40 + (9 - 5)$$

$$70 + (5 - 4)$$

$$40 + (8 - 2)$$


$$20 + (2 + 6)$$

$$70 + (7 - 6)$$



$$30 + (5 + 4)$$



3. Дўстингиз билан соннинг турли моделини кўриб чиқинг. Ўз моделингизни ўйлаб топинг ва сонларни кўрсатинг.



Ўнликлар	Бирликлар
3	4



4. а) Ҳар бир устундаги сонлар ёзувида қандай умумийлик бор? Ўзингиз шунга ўхшаш мисоллар устунини тузинг.



$2 + 6 = 8$
$12 + 6$
$22 + 6$
$32 + 6$
$42 + 6$

$8 - 6 = 2$
$18 - 6$
$28 - 6$
$38 - 6$
$48 - 6$


б) Изоҳга қаранг. Қоидани айтиб беринг.

$$35 + 2 = 30 + (5 + 2) = 37$$

30 5

$$37 - 2 = 30 + (7 - 2) = 35$$

30 7



Бирликлар бирликларга қўшилади.
Бирликлардан бирликлар айирилади.

5. Масалани ечинг. Унга тесқари масала тузинг ва ечинг. Сардор таътилда 15 та китоб, Мансур эса ундан 3 та кам китоб ўқиди. Мансур нечта китоб ўқиган?

Ўзингни текширинг!

Қуйидаги мақсадга эришдингизми? Текширинг:

Мен 21 дан 100 гача бўлган сонларни ўқишни, ёзишни, таққослашни;

сонлар моделини қуришни ўргандим.

Мен сонларнинг хона қўшилувчилари йиғиндисини туза оламан.

БИЛИШ

Сонларни ўсиб бориш тартибида айтинг ва ёзинг:

2 ўнл. 3 бирл.

4 ўнл. 5 бирл.

10 ўнл.

ТУШУНИШ

Икки хонали сонлар моделини тасвирланг:

12

37

ҚЎЛЛАНИШ

Ҳисобланг:

$50 + 2$

$99 - 9$

$5 + 80$

$56 - 50$

АНАЛИЗ

Бирликлари бир хил сонларни бир устунга, ўнликлари бир хил сонларни иккинчи устунга ёзинг.

40 23 44 53 42 13 63 93 41 49

СИНТЕЗ

Сонни унинг модели ва хона қўшилувчиларининг йиғиндиси билан бирлаштиринг:

45 40 + 5 56 50 + 6



БАҲОЛАШ

Хатоларни тузатинг.

$$4 \text{ ўнл. } 5 \text{ бирл.} = 45$$

$$66 = 6 \text{ ўнл.}$$

$$77 = 1 \text{ ўнл. } 7 \text{ бирл.}$$

$$18 = 1 \text{ ўнл. } 8 \text{ бирл.}$$

$$90 = 9 \text{ бирл.}$$

1-В БЎЛИМ. СОНЛАР УСТИДА БАЖАРИЛАДИГАН АМАЛЛАР. МАСАЛАЛАР

Ўнликдан ўтиб қўшиш


Менинг сеvimли машғулотларим



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшишни ўрганаман.



1. Сардор конструктор ўйнашни ёқтиради. У нечта кўк деталарни сариқ детал билан бирлаштирамоқчи? Нечтасини бирлаштиради? Яна нечтасини бирлаштириши керак?




$$6 + 7 = 6 + 4 + 3 = 10 + 3 = 13$$

$$\begin{array}{c} \diagup \quad \diagdown \\ 4 \quad 3 \end{array}$$




Оқила иккита тасма узунлигини қандай қўшганлигини тушунтиринг.



$$8 \text{ см} + 5 \text{ см} = 8 \text{ см} + 2 \text{ см} + 3 \text{ см} = 10 \text{ см} + 3 \text{ см} = 13 \text{ см}$$

$$\begin{array}{c} \diagup \quad \diagdown \\ 2 \text{ см} \quad 3 \text{ см} \end{array}$$





2. Ҳисобланг.

$7 + 4$ 	$8 + 3$ 	$8 + 8$
$6 + 5$ 	$9 + 6$ 	$6 + 6$
$9 + 2$ 	$9 + 7$ 	$7 + 7$



3. Масалага ифода тузинг.

- Конструкторда 40 та кўк ва улардан 20 та ортиқ қизил деталлар бор. Конструкторда қанча қизил деталлар бор?
- Конструкторда 90 та кўк ва 60 та қизил деталлар бор. Қайси деталь ортиқ ва нечта ортиқ?
- Конструкторда 100 та деталь бор. Улардан 30 таси сариқ, қолганлари эса қизил. Конструкторда жами нечта қизил деталь бор?
- Конструкторда 100 та деталь бор. Самолёт ясаб бўлгандан кейин 30 та деталь қолди. Самолёт ясаш учун қанча деталь ишлатилган?



4. Ифодаларнинг қийматини топинг. Ҳисоблаш учун сонлар нуридан фойдаланинг. Ҳисоблашларни тушунтиринг.

$6 + 4 + 2$	$12 - 2 - 3$	$5 + 5 + 6$	$14 - 4 - 3$
$8 + 2 + 5$	$17 - 7 - 5$	$8 + 2 + 3$	$9 + 1 + 4$
$13 - 3 - 8$	$7 + 3 + 6$	$7 + 3 + 8$	$15 - 5 - 7$



Ўнликдан ўтиб айириш


Менинг сеvimли машғулотларим



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки айиришни ўрганаман.



1. Темур деталларни қандай санаганлигини тушунтиринг. У қанча детални ажратиб бўлди? Ҳаммаси бўлиб қанча детални ажратди?



$$12 - 8 = 12 - 2 - 6 = 10 - 6 = 4$$

$$\begin{array}{r} \wedge \\ 2 \quad 6 \end{array}$$



Оқила тасмани қандай қийиб олганлигини тушунтиринг.



$$12 - 5 = 12 - 2 - 3 = 10 - 3 = 7$$


$$\begin{array}{r} \wedge \\ 2 \quad 3 \end{array}$$

Текшириш: $7 + 5 =$

$$\begin{array}{r} \wedge \\ \square \quad \square \end{array}$$

$$12 \text{ см} - 5 \text{ см} = 12 \text{ см} - 2 \text{ см} - 3 \text{ см} = 10 \text{ см} - 3 \text{ см} = 7 \text{ см}$$

$$\begin{array}{r} \wedge \\ 2 \text{ см} \quad 3 \text{ см} \end{array}$$



Қўшиш ва айиришни қандай текшириш кераклигини ёдингизга туширинг.



2. Тушунтириб айиринг. Қандай текшириш мумкин?

$$12 - 7$$

$$13 - 5$$

$$12 - 9$$

$$13 - 9$$

$$11 - 8$$

$$12 - 8$$

$$13 - 7$$

$$11 - 6$$

3. а) Масалани ечинг.

Дўкон витринасида 9 та ўғил болалар конструктори ва 7 та қиз болалар конструктори тўплами бор. Витринада жами нечта конструкторлар тўплами бор?



$$\left. \begin{array}{l} \square - \square \\ \square - \square \end{array} \right\} ?$$



б) Тескари масалаларни сонлар ва саволлар билан тўлдирилинг. Улардан биттасини ечинг.

Витринада ____ конструкторлар тўплами бор. Улардан ____ ўғил болалар конструктори, қолганлари эса қиз болалар конструкторидир. Қанча ...?

Витринада ____ конструкторлар тўплами бор. Улардан ____ қиз болалар конструктори, қолганлари эса ўғил болалар конструкторидир. Қанча ...?

$$\left. \begin{array}{l} \square - \square \\ \square - ? \end{array} \right\} \square$$

$$\left. \begin{array}{l} \square - ? \\ \square - \square \end{array} \right\} \square$$

4. Тенгламаларни ечинг.

$$6 + x = 13$$

$$13 - x = 5$$

$$x + 7 = 12$$

11 сонининг таркиби

Мен ёқтирган ўйинлар



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 11 сонини ҳосил қилишни ўрганаман.





1. Мозаикада икки хил рангли деталь бор. Ўйин шартига кўра нарса яшаш учун бир хил рангли 2 та ва бошқа рангдаги 9 та деталдан фойдаланиш зарур. Ҳаммаси бўлиб қанча деталдан фойдаланиш керак?



Деталларни қандай санаганликларини тушунтиринг.



+1 +1



Намуна: $9 + 2 = 9 + 1 + 1 = 11$ $11 - 2 = 11 - 1 - 1 = 9$

1 1

1 1



$8 + 3$

$11 - 3$

$11 - 8$



$7 + 4$

$11 - 4$

$11 - 7$



$6 + 5$

$11 - 5$

$11 - 6$

2. Ҳисобланг.

$7 \text{ см} + 4 \text{ см}$

$11 \text{ см} - 4 \text{ см}$

$6 \text{ см} + 5 \text{ см}$

$9 \text{ см} + 2 \text{ см}$

$11 \text{ см} - 2 \text{ см}$

$8 \text{ см} + 3 \text{ см}$

$11 \text{ см} - 9 \text{ см}$

$2 \text{ см} + 9 \text{ см}$


$11 \text{ см} - 8 \text{ см}$

3. Масалани ечинг.

а) Мозаика тўпламидан 20 та деталь олинганидан сўнг, яна 30 та деталь қолди. Тўпламда қанча деталь бўлган?

б) Тўпламда 100 та деталь бор эди. Нақш тузилгандан сўнг 40 таси қолди. Нақш тузиш учун қанча деталь ишлатилди?

в) Нақш тузиш учун Акбар 7 та қизил ва ундан 4 та ортиқ яшил деталдан фойдаланди. Акбар қанча кўк деталдан фойдаланди?



4. Таққосланг.

$6 + 5 * 6 + 4$

$7 + 4 * 8 + 3$

$8 + 3 * 3 + 8$


$8 + 3 * 10 - 3$

$9 + 2 * 7 + 4$

$8 - 3 * 8 + 3$



5. Қонуниятларни тушунтиринг.



Мустақамлаш

Мен севган ўйинлар



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 11 сонини ҳосил қилишни ўрганаман.



1. Нақшларни кузатинг. Расмларга қараб қўшиш ва айиришга доир ўзаро боғланган тенгликлар тузинг.



$7 + 4 =$	$8 + 3 =$	$6 + 5 =$	$9 + 2 =$
$4 + \square =$	$\square + \square =$	$\square + \square =$	$\square + \square =$
$\square - 4 = 7$	$\square - \square =$	$\square - \square =$	$\square - \square =$
$\square - 7 = 4$	$\square - \square =$	$\square - \square =$	$\square - \square =$

2. а) Масалани ечинг.

Сардорда 11 та стол усти ўйинлари бор. Улардан 8 тасини ота-онаси, қолганларини дўстлари совға қилишган. Сардорга дўстлари нечта стол усти ўйинларини совға қилишган?

$$\left. \begin{array}{l} \square - \square \\ \square - ? \end{array} \right\} \square$$



б) Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

$$\left. \begin{array}{l} \square - ? \\ \square - \square \end{array} \right\} \square$$

$$\left. \begin{array}{l} \square - \square \\ \square - \square \end{array} \right\} ?$$

3. Қўшиш ва айириш усулларидадан фойдаланиб, ҳисоблашни текшириш билан бажаринг.

$$11 - 2$$

$$9 + 2$$

$$11 - 9$$

$$2 + 9$$

$$7 + 5$$

$$8 + 3$$

$$11 - 5$$

$$13 - 5$$

$$14 - 6$$

$$8 + 7$$

$$9 + 5$$

$$11 - 8$$




4. Диаграммани қараб чиқинг. Ҳар қайси рангнинг нечта деталидан фойдаланилган?



Диаграммага қараб “Қанча ...” сўзларидан фойдаланиб, ўз саволларингизни тузинг.

Диаграмма бўйича турли тенгликлар тузинг.



12							
11							
10							
9							
8							
7							
6							
5							
4							
3							
2							
1							



5. Таққосланг.

$$11 - 7 * 7 + 5$$

$$12 - 9 * 9 + 3$$

$$8 + 4 * 12 - 8$$

$$4 + 8 * 12 - 7$$

$$2 + 9 * 4 + 7$$

$$13 - 8 * 11 - 9$$

$$7 + 4 * 7 + 3$$

$$11 - 5 * 6 + 2$$

$$11 - 7 * 5 + 2$$

$$3 + 4 * 11 - 4$$

$$11 - 8 * 10 - 5$$

$$11 - 9 * 8 - 6$$

12 сонининг таркиби

Мен ёқтирган ўйинлар






Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 12 сонини ҳосил қилишни ўрганаман.



1. Нақш учун 2 хил рангдаги 12 та деталь зарур.



Мозаика деталларини қандай санаганликларини тушунтиринг.



$$9 + 3 = 9 + 1 + 2 = 12$$

$$\begin{array}{c} \wedge \\ 1 \quad 2 \end{array}$$

$$12 - 3 = 12 - 2 - 1 = 9$$

$$\begin{array}{c} \wedge \\ 2 \quad 1 \end{array}$$

$$8 + 4$$



$$7 + 5$$



$$6 + 6$$



$$12 - 4$$



$$12 - 5$$



$$12 - 6$$



$$12 - 8$$



$$12 - 7$$





2. Ҳисоблашни текшириш билан бажаринг.

$9 + 2$	$5 + 7$	$4 + 7$	$2 + 9$	$9 + 3$	$7 + 5$
$6 + 6$	$5 + 6$	$8 + 4$	$3 + 8$	$7 + 4$	$6 + 5$

3. Масалага мос чизмаларни танланг ва уларни ечинг.

а) Оқилада 8 та, Санжарда эса 4 та стол усти ўйинлари бор. Болаларда ҳаммаси бўлиб нечта стол усти ўйинлари бор?

б) Шахмат мусобақасида 12 та ўғил бола ва улардан 5 та кам қиз болалар иштирок этди. Мусобақада қанча қиз болалар иштирок этган?



4. Тенгламаларни ечинг.

$9 + x = 12$	$x + 4 = 12$	$12 - x = 6$	$x - 7 = 5$
--------------	--------------	--------------	-------------



5. Ўзингизга маълум бўлган қўшиш жадвалини ёдингизга туширинг. Уни ечинг.

$9 + 2$	$8 + 3$	$7 + 4$	$6 + 5$	●
$9 + 3$	$8 + 4$	$7 + 5$	$6 + 6$	●



6. Қонуниятни топинг ва давом эттиринг.

2	4	6	■	■	■	■	■	■
11	22	33	■	■	■	■	■	■

Менинг севимли машғулотларим



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 12 сонини ҳосил қилишни ўрганаман.



1. Ҳар қайси бола ёқтирадиган машғулотни аниқланг.

$8 + 4$

$11 - 9$

$12 - 5$



$11 - 7$

$12 - 9$

$6 + 5$

2. Берилган қийматлар бўйича ифодалар тузинг.

қўшишга доир

1 7 2 6
3 10 4 9
5 8 5

12

айиришга доир

12 6 7 2
13 10 14 3
15 8 1 9

6



3. Масалани ечинг. Унга тескари масала тузинг ва ечинг. Масаланинг саволини шундай ўзгартирингки, бунда масала икки амал билан ечиладиган бўлсин.

а) Тасвирий санъат тўғарагига 12 та қиз бола ва улардан 4 та кам ўғил болалар қатнашади. Тасвирий санъат тўғарагига қанча ўғил бола қатнашади?

$$\square - \square$$

$$\square - ?, \square \text{ та кам}$$

б) Велопойгада 20 та катта ёшлилар, 30 та ёш болалар иштирок этишди. Велопойгада катталарга қараганда қанча кўп кичик ёшлилар иштирок этишди?

$$\square - \square$$

$$\square - \square$$

? та кўп



4. Қўлай усул билан ҳисобланг.

а)	$2 + 18$	$2 + 9$	$10 + 90$
	$4 + 16$	$3 + 8$	$30 + 70$
	$5 + 10$	$2 + 10$	$10 + 60$

б)	$2 + 4 + 6$	$2 + 9 + 8$	$3 + 5 + 7$
	$4 + 1 + 6$	$3 + 8 + 7$	$3 + 6 + 7$
	$5 + 7 + 5$	$2 + 10 + 8$	$8 + 6 + 2$

5. Дарё ёқасида тўртта дўст – Саид, Мурод, Воҳид ва Анвар ўтирибди. Маълумки, Муроднинг бўйи ҳаммадан баланд эмас, лекин Саид ва Анвардан баланд, Анвар эса Саиддан паст. Расмдаги болаларнинг исмини айтинг.




Менинг сеvimли машғулотларим (хобби)



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 13 сонини ҳосил қилишни ўрганаман.



1. Машғулот учун икки хил рангдаги 13 та копток керак. Коптокларни қандай санаш мумкинлигини тушунтиринг.



$$9 + 4 = 9 + 1 + 3 = 13$$

$$13 - 4 = 13 - 3 - 1 = 9$$



$$8 + 5$$

$$13 - 5$$

$$13 - 8$$

$$7 + 6$$

$$13 - 6$$

$$13 - 7$$



14 сонининг таркиби




Мен севган жониворлар



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 14 сонини ҳосил қилишни ўрганаман.



1. Сардорнинг аквариумида икки хил рангли балиқлар бор. Уларнинг сони 14 та. Балиқларни саноқ таёқчалари ёрдамида қандай санаш мумкинлигини тушунтиринг.




$$9 + 5 = 9 + 1 + 4 = 14$$


$$14 - 5 = 14 - 4 - 1 = 9$$




$$8 + 6$$




$$14 - 6$$



$$14 - 8$$



$$7 + 7$$



$$14 - 7$$



2. Ҳисоблашни текшириш билан бажаринг.


$$14 - 7 \quad 6 + 8 \quad 14 - 5 \quad 14 - 9$$

3. Ҳар бир масалага мос ифода танланг. Ўз танловингизни тушунтиринг. Масалани ечинг. Тескари масала тузинг ва уни ечинг.

$$14 - 6$$

$$6 + 8$$

а) Аквариумда 14 та балиқ бўлиб, улардан 6 таси қизил, қолганлари эса кўк рангли балиқлардир. Кўк рангли балиқлар қанча?



б) Аквариумда 6 та қизил ва 8 та кўк балиқ бор. Аквариумда жами қанча балиқ бор?



4. Жадвал бўйича ифодалар тузинг ва уларнинг қийматини топинг.

а) Қўшилувчи	$7 + 2$	0	$2 + 5$	$12 - 6$	$13 - 8$
Қўшилувчи	9	$12 - 9$	$13 - 8$	8	0
Йиғиндининг қиймати					

б) Камаювчи	100	10	50	$9 + 9$	$14 - 7$
Айрилувчи	$5 + 5$	$60 - 50$	$50 - 30$	10	7
Айирманинг қиймати					

5. Ифодалар тузинг ва уларнинг қийматини топинг.

а) 9 ва 4 сонларининг йиғиндисига 5 ни қўшинг.

б) 8 ва 6 сонларининг йиғиндисидан 7 ни айиринг.

в) 7 га 13 ва 9 сонларининг айирмасини қўшинг.

г) 14 ва 9 сонларининг айирмасига 6 ни қўшинг.

д) 14 дан 12 ва 5 сонларининг айирмасини айиринг.

ж) 3 га 6 ва 8 сонларининг йиғиндисини қўшинг.

Мустаҳкамлаш. 11 дан 14 гача бўлган сонлар таркиби





Мен севган жониворлар



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 11 дан 14 гача бўлган сонларни ҳосил қилишни ўрганаман.



1. Қўшиш ва айиришга доир ўзаро боғланган тенгликлар тузинг.



2. Ҳисобланг.

$9 - 5$

$8 + 3$

$11 - 5$

$14 - 9$

$9 + 2$

$9 + 4$

$14 - 7$

$14 - 8$

$6 + 7$







$7 + 7$

$14 - 6$

$8 + 6$



3. Болалар ўзлари севган жониворларининг бўйларини ўлчашди. Берилган жадвалдан фойдаланиб, масалалар тузинг.

	14 см		12 см
	8 см		9 см
$\begin{array}{l} \square - \square \\ \square - \square \end{array} \begin{array}{l} \curvearrowright \\ \curvearrowright \end{array} ?$ 	$\begin{array}{l} \square - \square \\ \square - \square \end{array} \begin{array}{l} \curvearrowright \\ \curvearrowright \end{array} ?$ 		

4. Тенгламаларни ечинг.

$$3 + x = 12$$

$$y - 4 = 8$$

$$x + 8 = 13$$

$$y - 7 = 7$$



5. Ҳисобланг.

$$11 - 8$$

$$7 + 5$$

$$13 - 8$$

$$8 + 4$$

$$4 + 7$$

$$12 - 8$$

$$5 + 7$$

$$4 + 9$$

$$9 + 3$$













$$11 - 9$$

$$13 - 7$$

$$13 - 9$$



6. Қонуниятни топинг ва давом эттиринг.

1	3	5						
10	20	30						

15, 16 сонларининг таркиби




Мен катталарга ёрдамчи



Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 15, 16 сонларини ҳосил қилишни ўрганаман.



1. Сардор уй паррандаларини парвариш қилишда ёрдам беради. Жўжалар ва ўрдакчаларни қандай санаш мумкинлигини тушунтиринг.



$$\begin{array}{r} 9 + 6 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 8 + 7 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 9 + 7 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 8 + 8 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 15 - 6 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 15 - 7 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 16 - 7 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 16 - 8 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 15 - 9 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 15 - 8 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 16 - 9 \\ \wedge \end{array}$$



2. Ҳисоблашни текшириш билан бажаринг.

$$\begin{array}{r} 16 - 7 \\ 16 - 8 \end{array}$$


$$\begin{array}{r} 8 + 7 \\ 9 + 6 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 15 - 8 \\ 15 - 6 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 16 - 9 \\ 9 + 7 \end{array}$$



3. Диаграммани ўқинг. Чизмага қараб масала тузинг. Унга тескари масала тузинг ва ечинг.



4. Масалани ечинг.

Қутидан 8 кг олма олинганидан сўнг унда яна 7 кг олма қолди. Қутида неча килограмм олма бўлган?

Жадвалдан фойдаланиб, тескари масала тузинг.

Бор эди	?		
Олинди		?	
Қолди			?

5. Ифодаларни ўқинг ва уларнинг қийматини топинг.

$$17 - (5 + 5)$$

$$(15 - 9) - 5$$

$$100 - (60 + 20)$$

$$80 + (40 - 20)$$

$$(40 + 20) - 50$$

$$50 + (40 - 20)$$

17, 18 сонларининг таркиби

Мен онамга ёрдамчи




Мен ўнликдан ўтиб бир хонали сонларни оғзаки қўшиш ва айиришни, иккита бир хонали сон ёрдамида 17, 18 сонларини ҳосил қилишни ўрганаман.




1. Ҳаммаси бўлиб қанча мева борлигини қандай санаш мумкин?



Биз онам билан қишга мураббо тайёрлаймиз.



$$9 + 8$$



$$\begin{array}{r} 9 + 8 \\ \wedge \\ 9 + 9 \\ \wedge \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 17 - 8 \\ \wedge \\ 18 - 9 \\ \wedge \end{array}$$

$$17 - 9$$

2. Ҳисоблашни текшириш билан бажаринг.

$18 - 9$

$8 + 9$

$17 - 8$

$17 - 9$

$9 + 9$







$18 - 6$

3. а) Масалани ечинг.

Болалар 13 кг қорағат теришди. Улардан 6 килограми қизил, қолганлари эса қора қорағат. Болалар неча килограмм қора қорағат теришган?



б) Жадвал ёрдамида тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

Жами			?
Қора		?	
Қизил	?		

4. Тенгламаларни ечинг.

$$9 + x = 18$$

$$8 + y = 17$$

$$18 - y = 9$$

$$17 - x = 9$$

$$x - 6 = 7$$

$$y - 5 = 8$$



5. Қавсларни шундай қўйингки, бунда тенгликлар тўғри бўлсин.



$$8 - 5 - 2 = 1$$

$$8 - 5 - 2 = 5$$

$$8 - 5 + 2 = 1$$

$$9 - 4 + 2 = 3$$

$$9 - 4 + 2 = 7$$

$$9 + 4 - 2 = 11$$

$$3 + 6 - 4 = 5$$

$$10 - 7 + 2 = 1$$

$$3 + 6 + 4 = 13$$

20 ичида сонларни қўшиш ва айириш жадвали





Мен ҳисоблашни яхши кўраман



Мен бир хонали сонларни ўнликдан ўтиб қўшиш жадвалини тузишни ва ундан фойдаланишни ўрганаман.



1. Ким кўпроқ тенгликлар туза олади?



2. Қўшиш жадвалини тўлдилинг. Сатрлар ва устунлардаги қўшилувчилар ва йиғиндининг қийматларини таққосланг.

$9 + 2$	$8 + 3$	$7 + 4$	$6 + 5$	11
$9 + 3$	$8 + 4$	$7 + 5$	$6 + 6$	12
$9 + 4$	$8 + 5$	$7 + 6$		13
$9 + 5$	$8 + 6$	$7 + 7$		14
$9 + 6$	$8 + 7$			15
$9 + 7$	$8 + 8$			16
$9 + 8$				17
$9 + 9$				18



3. Тасмаларни ўлчанг. Ҳар бири берилган тасмалардан 2 см ортиқ бўлган кесмалар чизинг.



4. Ҳисобланг.

$7 + 5 + 6$

$6 + 6 + 6$

$4 + 2 + 8$

$2 + 6 + 4$

$9 + 3 + 4$

$7 + 7 + 6$

$4 + 8 + 8$

$4 + 5 + 3$

$8 + 4 + 5$


$8 + 8 + 4$

$3 + 6 + 9$

$5 + 8 + 7$





5. Чизма бўйича масала тузинг ва уни ечинг.



Бор эди -

_____ - ?

Қолди -



Мустаҳкамлаш

Мен ҳисоблашни яхши кўраман



Мен бир хонали сонларни ўнликдан ўтиб қўшиш жадвалини тузишни ва ундан фойдаланишни ўрганаман.



1. Онам гумма ва турли хил ширин кулчалар пиширди. Жадвалда берилганлардан фойдаланиб, масалалар тузинг.


	15 дона		17 дона
	8 дона		9 дона
$\square - \square = ?$ та кам $\square - \square = ?$ та кам 		$\square - \square = ?$ та ортиқ $\square - \square = ?$ та ортиқ 	

2. Зарур бўлган йиғиндини ҳосил қилиш учун ҳар қайси бола қандай карточкаларни олиши мумкин? Турли ҳолларни кўриб чиқинг.





3. Чизма бўйича масала тузинг ва уни ечинг.



4. Ҳисобланг.

$$17 - 9$$

$$13 - 6 - 2$$

$$5 + 9$$

$$8 + (9 - 1)$$

$$14 - 6$$

$$16 - 8 + 1$$

$$2 + 9$$

$$7 + (6 + 2)$$

$$10 - 10$$

$$16 - 0 - 3$$

$$15 + 0$$

$$18 - (0 + 9)$$

5. Таққосланг.

$$9 * 12 - 5$$

$$6 + 9 * 3 + 7$$

$$50 * 10$$

$$6 + 8 * 7 + 9$$

$$14 - 8 * 12 - 5$$

$$30 + 40 * 50$$

$$14 - 8 * 16 - 7$$

$$18 - 8 * 15 - 5$$

$$60 * 100 - 80$$

6. Ифодалар тузинг ва уларнинг қийматини топинг.

а) 2 ва 8 сонларининг йиғиндисига 4 сонини қўшинг.

б) 10 сонидан 12 ва 7 сонларининг айирмасини айиринг.

в) 11 ва 6 сонларининг айирмасига 3 сонини қўшинг.

г) 15 сонидан 4 ва 5 сонларининг йиғиндисини айиринг.

д) 8 сонига 12 ва 3 сонларининг айирмасини қўшинг.

Уй ишлари



Мен икки хонали сонларни ўнликдан ўтмасдан оғзаки қўшиш ва айиришни бажаришни ўрганаман.



1. Кўрсатилган йиғиндини ҳосил қилиш учун болалардан ҳар бири қандай карточкаларни олиши керак?




2. а) Қайдани такрорланг:



Бирликлар бирликларга қўшилади.
Бирликлардан бирликлар айирилади.

$$\begin{array}{l} 35 + 3 = 30 + (5 + 3) = 38 \\ \swarrow \quad \searrow \\ 30 \quad 5 \end{array}$$


$$\begin{array}{l} 38 - 3 = 30 + (8 - 3) = 35 \\ \swarrow \quad \searrow \\ 30 \quad 8 \end{array}$$



Ҳисобланг:

$14 + 2$	$16 - 2$
$22 + 2$	$24 - 2$
$17 + 2$	$19 - 2$
$33 + 2$	$35 - 2$
$11 + 4$	$15 - 4$
$22 + 4$	$26 - 4$

б) Энди бундай сонлар билан қўшиш ва айиришни бажариб кўринг:



Ўнликлар	Бирликлар

$$40 + 34 = (40 + 30) + 4 = 74$$

$$74 - 40 = (70 - 40) + 4 = 34$$



Ўнликлар ўнликларга қўшилади.
Ўнликлар ўнликлардан айирилади.



3. Ҳисобланг.

$98 - 2$

$98 - 20$

$7 \text{ дм } 8 \text{ см} - 2 \text{ см}$

$65 + 3$

$65 + 30$

$67 \text{ см} + 2 \text{ см}$

$35 - 2$

$35 - 20$

$6 \text{ дм } 7 \text{ см} + 3 \text{ дм}$

$85 - 4$

$85 - 40$

$8 \text{ дм } 5 \text{ см} - 3 \text{ дм}$

$56 - 4$

$56 - 40$

$5 \text{ дм } 3 \text{ см} + 6 \text{ см}$

$97 - 2$

$97 - 20$

$9 \text{ дм } 3 \text{ см} - 6 \text{ дм}$



4. Масалани ечинг.

а) Болалар онасига печенье пиширишга ёрдам беришди. Оқила 23 та, Сардор ундан 15 та ортиқ печенье тайёрлади. Сардор нечта печенье тайёрлаган?

б) Болалар 38 та печенье, онаси эса 40 та печенье пиширдилар. Болалар нечта ортиқ печенье пиширган?



5. Онаси оладьи, бўтқа, қуймоқ, ичимликлардан эса шарбат ва чой тайёрлади. Нонушта таомномасининг неча турли нухасини тузиш мумкин? Жадвални тўлдириб, ўз жавобингизни текширинг.

	оладьи	бўтқа	қуймоқ
чай			
шарбат			


Билим олишда оиланинг тутган ўрни



Мен икки хонали сонларни ўнликдан ўтмасдан оғзаки қўшиш ва айиришни бажаришни ўрганаман.



1. а) Жадвални ва сонлар моделини қараб чиқинг. Амалларни қандай бажариш кераклигини тушунтиринг.



$$\begin{array}{r} 42 \\ 40 \quad 2 \end{array} + \begin{array}{r} 34 \\ 30 \quad 4 \end{array} = (40 + 30) + (2 + 4) = 76$$



$$42 + 34 = (42 + 30) + 4 = 72 + 4 = 76$$

$$\begin{array}{r} 76 \\ 70 \quad 6 \end{array} - \begin{array}{r} 34 \\ 30 \quad 4 \end{array} = (70 - 30) + (6 - 4) = 40 + 2 = 42$$

$$76 - 34 = 76 - (30 + 4) = (76 - 30) - 4 = 42$$



б) Ҳисоблашларни тушунтиринг.



2. Ҳисобланг ва текширинг.

$$\begin{array}{cccc} 58 + 31 & 89 - 65 & 85 \text{ см} - 51 \text{ см} & 7 \text{ дм } 9 \text{ см} - 4 \text{ дм } 8 \text{ см} \\ 41 + 36 & 32 + 42 & 74 \text{ см} + 15 \text{ см} & 9 \text{ дм } 8 \text{ см} - 2 \text{ дм } 7 \text{ см} \end{array}$$

3. Масалаларга мос чизмаларни танланг. Уларни ечинг.

а) Сардор 12 та мисолни ечиб бўлганда, яна 20 та мисол қолди. Сардор нечта мисол ечиши керак?

